

Husain XIDIRALIYEV,
*International Islamic Academy of Uzbekistan,
teacher of Arabic of the Department of
Arabic language and literature "al-Azhar"
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
e-mail: hidiralievhusain1973@mail.ru
tel: +998909144377, +998706061571*

ИСЛОМДА ИЛМ ВА ИМОН КАТЕГОРИЯЛАРИ НИСБАТИ ХУСУСИДА

К ПРОБЛЕМЕ СООТНОШЕНИЯ КАТЕГОРИЙ НАУКИ И ВЕРЫ В ИСЛАМЕ

CORRELATION BETWEEN THE CATEGORIES OF SCIENCE AND FAITH IN ISLAM

Калит сўзлар: *Ислом, Қуръони карим, илм, имон, категория, цивилизация, маъно, нисбат, таълимот, тараққиёт, маънавият, маданият, таржима, қиёслаш.*

Ключевые слова: *ислам, Коран, наука, вера, категория, цивилизация, суть, смысл, значение, соотношение, учение, прогресс, духовность, культура, перевод, анализ.*

Key words: *Islam, Quran, science, faith, category, civilization, meaning, correlation, teaching, progress, spirituality, culture, translation, comparison.*

XX аср илм ва техника равнақи жиҳатидан бемисл бўлди. Олдинги асрларда илмда эришилган ютуқларни ҳаётга татбиқ этиш ҳеч қачон бу даражада ривож топмаган эди. Аммо шу билан бирга бундай беқиёс ўзгаришлар ўзига хос қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Натижада илм-фан намоёндалари ўз муайян соҳаларидан ташқари илм ва ҳаёт мавзусининг умумий жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш зарурлигини борган сари жиддийроқ ҳис қила бошладилар.

Ўтган аср ўрталаридан Европа илмида «илм-шунослик» алоҳида фан сифатида шакллана бошлади. 1939 йилда Лондонда таниқли файласуф ва мантиқшунос Ж. Берналнинг «Илмнинг ижтимоий функцияси» асари [11] босилиб чиқди. 1964 йилда Англияда Ж. Бернал, Ч. Сноу, Д. Прайс каби жаҳонга машҳур олимларнинг ташаббуси билан махсус «Илм ҳақида илм» фонди ташкил қилинди. Шу даврдан бошлаб жаҳоннинг қатор таниқли олимлари томонидан илмни махсус ташкилий ти-

Мақолада ислом динида илм ва имон категорияларининг ўзаро нисбати ўрганилади, ислом динида илм масаласи, илмни ўрганиш, илмни ривожлантириш, илм ва имон тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақида сўз юритилади. Бунинг учун Европанинг шарқшунос, исломшунос олимларидан М. Роденсон, А. Мрозек, Е. Фролова, Ж.Тимоти, А.Заринкуб, Б.Жонатан, Ш.Блэр, М.Букай ва америкалик олим Ф.Роузентал фикрларига ҳам мурожаат этилади. Масалан, америкалик олим Ф.Роузентал ўзининг «Илм тантанаси» китобида бу тушунчаларнинг ўзаро нақадар яқинлиги ва боғлиқлиги, ислом динида уларнинг бир-бирига зид эмас, аксинча, мувофиқ бўлиб, ҳатто бир-биридан алоҳида тасаввур қилинмаслигини кўрсатиб ўтган.

Шунингдек, мақолада мусулмон оламидаги машҳур аллома Имом Ғаззолийнинг «Ихёу `улум ад-дин» («Дин илмларини жонлантириш») асарида мазкур масаладаги ўзига хос қарашлар, қатор илмий хулосалар атрофлича таҳлил қилинган.

Мақолада ислом динида «илм» тушунчаси жуда муҳим ўринга эга бўлгани, ҳеч бир тарзда инкор қилинмагани ва ёмон муносабат билдирилмаганлиги очиб берилган. Бундан ташқари исломда илмларни «диний» ва «дунёвий» деб ўзаро ажратиш принципи мавжуд эмаслиги, балки фойдали, манфаат келтирадиган ёки фойдасиз, зарарли бўлган илмларгагина ажратиш принципи мавжудлиги, яъни инсониятнинг ҳақиқий, яъни ҳар томонлама: ҳам маънавий, ҳам моддий тараққиёти, равнақи учун хизмат қиладиган илмлар исломда фойдали деб, қўллаб-қувватланиб келинганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, илм ва имон мутаносиблиги масаласи доимо улуғ аждодларимиз диққат марказида бўлиб, ҳар бир даврда унинг ўзига хос талқинлари ва турли қирралари ўз ифодасини топганлигига эътибор қаратилган.

В статье речь идёт о соотношении категорий науки и веры в исламе, о вопросе сути и смысле науки, изучении, развитии науки, взаимосвязи понятий науки и веры в исламской религии.

Так в статье приводятся мысли по данному вопросу таких европейских ученых-востоковедов и исламоведов, как М. Роденсон, А. Мрозек, Е. Фролова, Ж. Тимоти, А. Заринкуб, Б. Джонатан, Ш. Блэр, М. Букай и Ф. Роузенталь. Например, американский ученый Ф.Роузенталь в своей книге «Торжество знания» показал, насколько близки и взаимосвязаны понятия «наука» и «вера» в исламе, что они не противоречат друг другу, а, наоборот, гармоничны, взаимосвязаны, взаимодополняют друг друга, и в отдельности их представить не возможно.

Также в статье приводится ряд выводов подробного научного анализа по этому вопросу известного в мусульманском мире учёного Газали, изложенные им в его книге «Ихёу улум ид-дин» («Возрождение религиозных наук»).

В статье особо подчеркивается, что в исламе нет принципа разделения наук на «религиозные» и «светские», а есть принцип разделения знания на полезные (похвальные), которые приносят пользу, прогресс, благополучие, то есть являются подлинными, дающими всестороннее развитие человечеству, и духовной, и материальной, и культурной сферам общества.

А второй вид науки это вредные (порицаемые), бесполезные знания, которые приносят вред, несчастье, беду человечеству.

Кроме того, вопрос о соотношении науки и веры всегда находился в центре внимания наших великих предков. Обращается внимание на то, что субъективные интерпретации и различные аспекты данного вопроса нашли свое отражение в каждый исторический период.

The article deals with the correlation between the categories of science and faith in Islam, the question of the concept of knowledge, to take knowledge, to develop knowledge, the relationship between the concepts of science and faith in the Islamic religion.

So the article presents the thoughts on this issue of such European Orientalists and Islamic scholars as M. Rodenson, A. Mrozek, E. Frolova, J. Timothy, A. Zarrinkub, B. Jonathan, S. Blair, M. Bukai and F. Rosenthal. For example, the American scientist F. Rosenthal in his book "the Triumph of knowledge" showed how close and interrelated the concepts of science and faith in Islam are, that they do not contradict each other, but, on the contrary, are harmonious, interrelated, complement each other and it is not possible to present them separately.

The article also provides a comprehensive analysis of the views and a number of scientific conclusions made by Imam Ghazzali, a prominent scholar in the Muslim world in the book Ihyou `ulum id-din (Revival of Religious Knowledge).

The article also reveals that the concept of "science, knowledge" in the Islam was always very important, it was never rejected and in relation to it there has never been a bad attitude toward it. In addition, Islam does not have a principle of separating the sciences as "religious" and "secular", but rather the principle of dividing the sciences into useful, which bring benefit, or useless, harmful ones. It is emphasized that the sciences which serve for the prosperity of mankind are considered to be useful and supported in Islam.

In addition, the issue concerning the relationship of science and faith was always in the center of attention of our great ancestors, and in each period it had its own interpretations and different aspects.

зим сифатида ўрганишнинг муҳимлиги ҳақидаги фикр илгари сурила бошланди. Ғарб олимларининг бу мавзудаги тадқиқотлари натижалари асосида 1966 йили Москванинг «Прогресс» нашриётида «Наука о науке» тўплами нашр этилди [12].

1968 йилда Москвадаги «Знание» нашриёти «Философия» сериясида Г.М. Добровнин «Илмшуносликнинг долзарб муаммолари» рисоласини нашр этди [13]. Шу йили яна Г.И. Волковнинг «Илм социологияси» китоби ҳам босилиб чиқди [14].

Бу тадқиқотларда биринчи навбатда илмни ҳаётга татбиқ этишнинг турли ижтимоий-ташкилий масалаларига эътибор қаратилган бўлса, кейинроқ илмни ҳаётга жорий қилиш жараёнида пайдо бўла бошлаган маънавий ва ахлоқий муаммолар диққатни ўзига жалб эта борди. Жумладан, юқорида тилга олинган Г.И. Волковнинг «Илм социологияси» китобида «Какого человека создает наука?» (Илм қандай инсонни шакллантиради?) деб номланган алоҳида бўлим мавжуд. Айниқса, илмнинг ҳарбий соҳада кенг қўлланилиши муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, олим ёзади: «Хиросима ва Нагасаки фожеаси давридан бошлаб олимларнинг ўз кашфиётлари оқибатлари учун маънавий масъулият ҳис қилишлари зарурлиги айниқса аён бўлиб қолди» [14;200 б.]. Айни шундай муаммолар бугунги кунда инсон маънавиятида илм ва имон нисбати масаласи янада долзарблашганидан далолат беради. Бу масала ислом оламида аввал бошдан жиддий эътиборга сазовор бўлган ва мўътадил ечим берилган эди.

Ислом маданиятида илм ва имон нисбати қандай ҳал қилинганлигини тўғри англаб етиш учун, аввало, ушбу диннинг асосий манбаси бўлмиш илоҳий китоб Қуръони каримда илмга муносабат қандай бўлганлиги хусусида аниқ ва мукаммал тасаввур ҳосил қилиш керак бўлади. Бу мавзу жаҳон илмида жуда кўп марта тадқиқот мавзуси бўлган. Ушбу мавзуга бағишланган айрим асарлар мундарижасини қиёсий ўрганиш, назаримизда, ўз тадқиқотимиз йўналишини аниқроқ белгилаб олишимизга яқиндан кўмак беради.

«Илм» сўзи ҳозирги араб тилида асосан икки хил маънони билдиради:

1) «билим» (знание), яъни ҳар қандай билим.

2) «илм», «фан» (наука, теория), яъни назарий билим.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»сида Бахтиёр Тўраевнинг «илм» атамаси ҳақидаги мақо-

ласи берилган бўлиб, унда ҳам илм сўзининг икки асосий маъноси ажратиб кўрсатилган: 1) ўқиш, ўрганиш ҳамда ҳаётий тажриба асосида орттирилган билим ва малакалар мажмуи; 2) фан [16;120 б.].

Қуръони каримда ишлатилган «`alīma» феъли ўзбекча «билмоқ» маъносида бўлиб, ундан ясалган «илм» сўзи ҳам асосан ҳозирги ўзбек тилидаги «билим» сўзининг маъносини беради.

XX аср Ғарб шарқшунос ва исломшунослари ислом маданиятида илмга эътибор масаласида қатор тадқиқотлар яратдилар. Жумладан, Америка олими Франц Роузенталнинг «Илм тантанаси» китобида [8] «илм» ва «имон» тушунчаларининг ислом динида ўзаро нақадар яқинлиги ва боғлиқлиги, уларнинг бир-бирига зид эмас, аксинча, мувофиқ бўлиб, ҳатто бир-биридан алоҳида тасаввур қилинмаслиги батафсил кўрсатиб берилган.

Бу масалада француз олими М. Букай шундай дейди: «Уларни (Қуръон оятларини) яна бир бор ўрганиб чиққач, шуни шак-шубҳасиз тан олдимки, менинг олдимда исбот талаб қилинмайдиган қуйидаги ҳақиқат мавжуд: Қуръонда замонавий илм-фан нуқтаи назарига зид келадиган ҳеч қандай мазмун мавжуд эмас.

Ислом ҳар доим дин ва илмни эгизак опа-сингил деб ҳисоблади ва энг аввало одамларни илм-фанни ривожлантиришга буюрди. Ушбу амрнинг амалий ифодаси туфайли буюк Ислом тамаддуни даври илм-фаннинг улкан ютуқларига гувоҳ бўлиб, Шарқ ва Ғарбнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилди...» [6; 6-7 б.].

А.Зарринкуб: «Ислом мўъжизаси» деб номланувчи ҳодисанинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи мусулмонларнинг Қуръон ва пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг кўрсатма ва ўғитлари асосида илмга кучли интилиш ва истаклари эди...» дейди [19;35 б.].

Д. Блум шундай фикрларни билдиради: «Олтин аср (IX–X асрлар) нафақат ислом дунёсининг фаровонлиги, балки узлуқсиз ва кучли интеллектуал изланишлар даври ҳам эди, чунки мусулмонлар тинимсиз ўзларининг эътиқодий қарашларини мукаммал ҳолатга келтириш ҳаракатида бўлдилар... Улар Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардан ташқари, қадим юнонлар, форслар ва хиндларнинг таълимотларини ўрганиб, улардаги ислом таълимотига мувофиқ келувчи жиҳатларни топишга ҳаракат қилдилар. Халифаликнинг пойтахти Бағдоддаги ҳаётнинг ўша даврга хос жўшқин интеллектуал ва

бадий фаолият муҳити таъсирида баъзи тадқиқотчилар ушбу олтин асрни жаҳондаги турли даврлар ва халқлар тафаккури яратган анъаналарнинг ўзаро уйғунлашиб, қайта ишланиб, жаҳон тарихидаги энг юксак тамаддун даврлардан бирини ҳосил қилган дошқозонга менгзар (ўхшатар) эдилар» [20; 82 б.].

Ж. Тимоти: «... ислом донишмандлик ва мувозанатга буюради. Бу ўрта йўлдир. Қандай вазиятга тушиб қолганимиздан қатъи назар, бунинг иложи бор, унга амал қилишимиз мумкин», – деб айтади [18; 67 б.].

Ислом таълимотининг ақл ва тафаккурга алоҳида таважжуҳи хусусида француз шарқшуноси Максим Роденсон шундай ёзган: «Қуръон шундай муқаддас китобки, унда ақлга таяниш жуда катта ўрин тутаети». Унинг ҳисоби бўйича, «`ақала» (фикрламоқ, ақлни ишлатмоқ) феъли Қуръони каримда 50 мартага яқин учрайди ва улардан 13 марта «Наҳотки сиз ақлни ишлатмайсиз?» деган хитоб қайтарилади. Максим Роденсон Аллоҳга имон келтиришда ақлнинг аҳамияти ҳақида Қуръони каримдан кўплаб оятларни келтиради [9; 94-98 б.].

Қуръони каримда илмнинг юксак аҳамиятига урғу берилганлиги поляк тадқиқотчиси Анна Мрозек ишларида ҳам таъкидланган бўлиб, ўз фикрининг исботи учун олима «Магар билим эгалари билан билимсизлар тенг бўладиларми?» деган мазмундаги оятга ишора қилади [9; 42 б.].

Бошқа китобда айтилишича «... дунёвий ва диний ғоялар (қадриятлар) бир-бирини бойитиб борган шароитда тараққиёт юксак босқичга кўтарилади. Бунга башарият тарихида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий ва Мусо Хоразмий, Имом Мотуридий ва Абу Райҳон Беруний, Имом Ғаззолий ва Ибн Сино, Имом Термизий ва Абу Наср Форобий сингари буюк заковат соҳиблари яшаб, фаолият кўрсатган даврлар ёрқин мисол бўла олади» [17; 18 б.].

Евгения Антоновна Фролованинг «Араб фалсафасида илм ва имон масалалари» китоби [9] собиқ шўролар даврида ёзилган бўлиб, унда мавзуни ўша давр мафкурасига мувофиқ талқин этишга ҳаракат қилинган. Бу ҳолат масалага илк ёндашувлардаёқ аниқ намоён бўлади:

«Инсон ўзининг коинот билан чигал муносабатларини олам ҳақиқатини изоҳловчи турли тизимлар яратиш билан ҳал этмоқчи бўлади».

«Улар орасида икки бир-бирига зид қутбдан жой олган тизим – диний ва илмий изоҳлар бўлиб,

уларнинг ҳар бири инсон маънавиятининг турли қирраларини намоён этувчи асослар: дин имонга, илм эса билимга таянади».

«Тарихан шаклланган дин ва илм зиддияти туғёнли ижтимоий ҳодисалар ижтимоий онгининг турли шакллари ва уларнинг турли ривожланиш босқичларини бир-бирига тўқнаштириб юбораётган бугунги кунда янада кескинроқ суратда намоён бўлмоқда» [9; 98-99 б.].

Е. А. Фролова Қуръони каримдаги илмга муносабатда икки асосий қатламни ажратиб кўрсатади. Биринчиси, Аллоҳ ва инсон билимларини фарқ қилиш; иккинчиси, инсон билимларида шаръий (динга оид) ва дунёвий билимларни фарқлаш.

Олима ўз тадқиқотида фақат илоҳий китобга таяниб қолмасдан, Пайғамбаримиз ҳадислари, Имом Молик (710–795), Имом аш-Шофеъий (767–820) каби улўф мазҳаббошилар, ал-Аллаф, ат-Термизий, ал-Ғаззолий ва бошқа таниқли ислом олимларининг фикрларига ҳам мурожаат қилади.

Шўро олимаси юқорида баён этилган Ғарб шарқшуносларининг ислом рационализи ҳақидаги қарашларига танқидий муносабат билдириб ёзаети: «Бундай талқинлар кўпинча сунъий кўринади. Қуръонда «илм» имонга алоқадордир. Уни имондан ажратиб бўлмайди, у имонга воситадир, унга тобедир... «Илм» сўзи Қуръонда, баъзи тадқиқотчилар уринишганидек, ўз том маъносида ислом таълимотининг рационализмига гувоҳлик беришини фақат шартли равишда қабул қилиш мумкин ва улар келтирган далиллар мутлақо ислом дини илми, ақлнинг қимматини тан олишини билдирмайди» [9; 98-100 б.].

Кўриниб турибдики, ҳар икки томоннинг талқинлари турлича. Бунинг сабаблари бор, албатта. Европа шарқшунослари ўзлари яшаб турган муҳитдаги қарашлардан келиб чиқиб, Қуръони каримдаги инсонни ақлга таяниш, тафаккур қилишга ундовчи оятлар асосида «рационализм» ҳақида хулоса бермоқда. Собиқ шўро тузуми олимаси эса давр мафкурасига мувофиқ талқинларни олға сурмоқда. Аммо Е.А.Фролова мулоҳазаларидаги бир ҳақиқатни эътироф этиш керакки, дарҳақиқат, Қуръон матнида илм ва имон ўзаро узвий боғлиқликда олиб қаралади. Бунинг ўз сабаблари бор. Кўрдикки, Европа олимлари ўз нуқтаи назарларидан масалага ёндашганлар.

Энди бу муаммога Шарқ мутафаккирининг муносабатини бироз батафсил кўздан кечирсак, масаланинг моҳияти яхшироқ очилса керак.

Мусулмон халқлари орасида, шунингдек, Ғарб исломшунос ва шарқшуносларига ҳам Имом Ғаззолийнинг номи, у зотнинг «Ихёу улум ад-дин» китоби маълум. Китоб муқаддимасида баён қилинишича, асар 4 қисмдан иборат бўлиб, 1) «Ибодатлар», 2) «Одатлар», 3) «Ҳалок қилувчи амаллар», 4) «Нажот берувчи амаллар» ҳақида, ҳар бири 10 китобдан жами 40 китоб қилиб тартиб берилган. Бундай таркибда асар ёзилишининг сабабини аллома ўзи шундай тушунтиради:

«Китоб ёзишдаги яна бир мақсадим, асримиз аҳли тўғрилиқдан бурилиб, сароб билан алданиб юргани ва илмларнинг мағзини қўйиб, қобиғи билан қаноатланганини очиб беришдир» [10;106.]. Чунки муаллиф ёзишича, ўша даврнинг кўпчилиги олимлари илмни борган сари «ҳаромни овлаб, ўзлаштириш ва дунё матосини қўлга киритиш учун» воситага айлантириб бораётган эдилар. Ғаззолий ўша даврдаги турли диний илмлар (жумладан, фикҳ илми) кўпроқ жузъий масалалар юзасидан беҳуда тортишувлар билан банд бўлиб қолаётганига эътибор қаратиб, ўз китоби йўналишини «охират илми» деб номлайди.

Имом Ғаззолий ўз асарининг «Ибодатлар» қисми илк китобини илмга бағишлади ва шу билан Пайғамбаримизнинг машҳур ҳадисига таянган ҳолда илм талаб қилишни ҳар бир мусулмон киши учун энг биринчи фарз ибодат сифатида талқин этди. Дарҳақиқат, инсон фақат илм туфайли ўз Парвардигорини танийди ва бошқа ибодатларни ҳам онгли равишда тўғри адо эта олиш имкониятига эга бўлади. Бу ҳақда Ғаззолий китоб муқаддимасида шундай ёзади: «Сўзни илм ҳақидаги китобдан бошладим. Зеро, илм Пайғамбар (с.а.в.) тиллари билан Аллоҳ таоло барча одамлардан талаб қилиниши ибодат эканлиги эълон қилинган энг муҳим ғоя эканлигини очиб беришни мақсад қилдим...» [10;11 б.]

Имом Ғаззолий ўз китобида илм олиш жараёнининг барча томонларига катта эътибор бериб, уларни чуқур ўрганиб, изчил мантиқий таҳлил этганлиги ва шу асосда вужудга келган хулосаларини келажак авлодга тавсия сифатида қолдирганлиги уни ўқиб чиққан ҳар бир кишига аён бўлади. Унда ҳар бир мавзу батафсил ёритилган бўлиб, китобхонга ҳар бир масала бўйича чуқур ва қизиқарли маълумотларни олиш учун имкониятлар берилган. Фикримизни далиллаш учун китоб бобларининг номланишига эътибор қаратамиз:

1-боб. Илм, таълим бериш ва илм олиш фазилати ҳамда унинг нақлий ва ақлий далиллари. Илм фазилати.

2-боб. Маҳмуд (мақталган) ва мазмун (қораланган) илм, уларнинг қисм ва ҳукмлари ҳақида.

3-боб. Омма маҳмуд ҳисоблаган, аммо маҳмуд бўлмаган илмлар ҳақида.

4-боб. Халқнинг хилоф илмига берилиб кетиши сабаби, мунозара ва жадал офатларининг тафсилотлари ва унинг мубоҳ бўлиши шартлари.

5-боб. Таълим олувчи ва таълим берувчи одоблари ҳақида. Муршид-муаллимнинг вазифалари баёни.

6-боб. Илмнинг офатлари ҳамда охират олимлари ва ёмон олимларнинг аломатлари.

7-боб. Ақл, унинг шарафи, ҳақиқати ҳамда қисмлари. Ақлнинг шарафи баёнида.

Китобнинг биринчи боби аввалида илм фазилати ва илм аҳли мартабасининг нақадар улуглиги Қуръони карим оятлари ва Расулulloҳ ҳадислари ва улуг алломаларнинг ҳикматли сўзлари билан етарлича далилланган. Масалан, «Мужодала» сураси, 11-оят: «Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтарур». Ёки «Зумар» сураси, 9-оят: «Айтинг (эй Муҳаммад): «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?!» [10;16 б.] Ёки Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг «Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир» деган сўзлари. Яна Набий (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: «Олимнинг обиддан афзаллиги бадр кечасида (14 кунлик) ойнинг бошқа юлдузлардан афзаллиги кабидир» [10;216.].

Пайғамбаримиз (с.а.в.) илм олиш фазилатини шундай баён қилганлар: «Ким илм талаб қилиш йўлини тутса, Аллоҳ таоло уни жаннат йўлига йўлаб қўяди». Имом Шофеъий (р.а.) эса «Илм ўрганиш нафл ибодатидан афзалроқ» деган фикрни билдирган экан. Фатҳ Мусалийдан шундай ривоят келтирилади. Ул зот сўрадилар: «Касалга обу таом берилмаса, ўладими?». Атрофдагилар: «Ҳа ўлади», дейишди. Айтдилар: «Қалбга ҳам уч кун илм берилмаса, ўлади». [10;23 б.]

Ғаззолий ўз китобида шу каби қатор иқтибосларга таянган ҳолда шундай хулоса қилади: «Қалбнинг озиғи ва ҳаёт манбаи илму ҳикматдир. Ким илмни бой берган бўлса, унинг қалби касалдир, у қалб ўлимга маҳкум, лекин ўзи сезмайди... [10;236.] Илм кўр қалб кўзини очувчи, қоронғу зулматда нур бағишловчи ва заиф баданларга куч-қув-

ватдир. Илм билан банда аброрлар даражасига кўтарилади, олий мартабаларга етишади... Дунё ва охирадаги саодатнинг асоси илмдир. Шу жиҳатдан илм амалларнинг энг афзалидир» [10;33 б.].

Аллома илм ва амал нисбати ҳақида фикр юритиб, «Илм пешво-имомдир, амал унга эргашади», дейди [10;33 б.]. Муаллиф илм фазилатига доир нақлий далиллар билан кифояланмай, ўз хулосаларини ақлий, яъни мантикий жиҳатдан ҳам асослаб беради.

Имом Ғаззолий ягона Тангрининг бани башарга ато этган бебаҳо неъматни ақлга ғоят юқори баҳо беради: «Ақл инсоний сифатларнинг энг улуғи ва шарафлисидир. Зеро, ақл билан Аллоҳнинг омонати қабул қилинади, Унинг розилигига эришилади». Унинг фикрича, Аллоҳ таоло айни «ўзининг хос сифати бўлмиш илмни» бергани учун ҳам инсон ер юзиди халифалик шарафига эгадир. Муаллиф ҳақиқий олимларни «Аллоҳнинг энг қимматбаҳо хазинасига хазиначилар» деб атайд.

Китобда «олим ким?» «илмни ўрганиш ва ўргатишда қандай йўл тутиш керак?» каби саволларга оид эътиборли фикрлар кўп келтирилади. Масалан, Имом Шофеъий (р.а.)дан: «Киши қачон олим бўлади? – деб сўрашганда ул зот: «Агар бир илмни ўрганиб, сўнг бошқа илмларга юзланиб, улардан нима ни билмаслигини тушунса, шу пайт олим бўлади», деган эканлар [10;67б.]. Луқмон (а.с.) эса ўғлига бундай насиҳат қилган экан: «Эй ўғлим, сен олимлар билан ўтир. Уларнинг орасига кир, чунки Аллоҳ таоло ерни осмон суви билан тириктиргани каби, қалбларни ҳикмат нури тириктиради». Зухрий айтган экан: «Илм мардликдир. Уни фақат мард эркалар севади». Абдуллоҳ ибн Муборак шундай деган экан: «Илм ўрганмасдан туриб улуғликка интилган кишига ҳайронман». Китобда улуғ ҳақимлардан бирининг қуйидаги фикри келтирилади: «Мен икки кишига ачинганимчалик бошқа ҳеч кимга ачинмаганман: илмни тушунмасдан туриб ўрганган кишига, илмнинг муҳимлигини тушуниб, уни ўрганмаган кишига» [10;25-27 б.].

Илм, имон ва ҳилм нисбати ҳақида Аллоҳнинг қуйидаги ҳукми келтирилади: «(Эй Муҳаммад, инсонларни) Парвардигоринг йўли (дини)га донолик – ҳикмат ва чиройли панд-насиҳат билан даъват этинг!» («Наҳл» сураси, 125-оят) [10; 296.].

Илм агар имон, амал билан мувофиқлашмаса, ундай илмнинг қадри бўлмайди. Имом Шофеъий (р.а.) айтадилар: «Ким қалбини гуноҳдан сақламаса, унга илми наф бермайди». Яна бир ўринда

айтилади: «Энди сен илмингни гуноҳлар зулмати билан кир қилма» [10;150б.]. Аслида ҳақиқий илм эгасигина Аллоҳни танийди ва ундан кўрқади. Оят: «Аллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонларигина кўрқур» [10;17 б.].

Ғаззолий муаллимлик мартабасини ҳам ниҳоятда олий деб билади. Унинг айтишича, илм ўргатиш, бир жиҳатдан, Аллоҳга ибодат бўлса, иккинчи жиҳатдан, Аллоҳга вакил бўлишдир. «Ер юзидаги мавжудотларнинг энг шарафлиси инсон бўлса, ундаги энг улуғ ва азиз жавҳар қалбдир. Муаллим шу қалбни камолга етказиш, унга жило бериш, уни поклаш ва Аллоҳга яқин бўлишга чорлаш билан машғулдир», [10;37 б.] деб ёзади улуғ аллома.

Китобнинг 5-бобида таълим олувчи ва таълим берувчи одоблари ҳақида кенг сўз юритилиб, устоз ва шогирд риштаси фақат Аллоҳ таоло, фақат холис илмни ривожлантириш учун бўлиши ҳақида такрор ва такрор айтилади. Ботиннинг ибодати ва қалбнинг илм билан обод бўлиши ҳам фақатгина уни жирканч хулқлар ва разил сифатлардан поклаш билан юзага чиқади. Аллома ёзади:

«Биринчи вазифа: талаба аввало қалбини жирканч хулқлардан, мазмун-ёмон сифатлардан поклаб олиши керак. Чунки илм – қалб ибодати, махфий намоз ва Аллоҳга ботиний яқинликдир» [10;119 б.].

Китобда илм олиш йўли қандайдир мавҳум ҳолатда эмас, балки инсон учун тушунарли услубда тавсия этилади.

Китоб муаллифининг турли илмларга муносабати акс этган иккинчи боб мундарижаси алоҳида эътиборни талаб қилади. Ушбу бобда, аввало, илмда ҳар бир мусулмон билиши шарт бўлган фарзи айн нима эканлиги батафсил тушунтириб берилади.

Алломанинг кузатишича, ўша даврларда ҳар бир гуруҳ ўзи шуғулланган ва муҳим деб билган илмни ўрганишни фарзи айн деб қабул қилган. Масалан, мутакаллимлар калом илмини, фақиҳлар фикҳ илмини, муфассир ва муҳаддислар Қуръон ва суннат илмини, мутасаввуфлар тасаввуф илмини ва ҳ.к. Баъзи уламолар эса ислом асосларини қамраб олган («Ислом дини беш нарса устига қурилган...» дея бошланувчи) ҳадисни билишни фарзи айн деб, бу беш вожиб нарсани бажариш кайфияти ва вожиб бўлиш жиҳатини ўрганишни зарур ҳисоблаганлар.

Имом Ғаззолий бу масалага бевосита ҳаётий зарурат нуқтаи назаридан ёндашади. Унинг фикрича, ҳар бир инсон ўз ҳаётида хоҳ диний, хоҳ ҳаётий масалада қандай муаммога рўбарў келса, айни шу

лозим бўлган нарсани аниқ билиши фарзи айнидир. Китобда бу фикр шундай ифода этилади: «Фарзи айннинг маъноси фарз амалнинг кайфияти ҳақидаги илмни эгаллаш демакдир» [10;41 б.].

Масалан, эътиқод ишларида шубҳа, хавотир пайдо бўлса, унинг илмини ўрганиш шарт бўлади. Агар инсонда собит эътиқод бўлиб, кўнглида ҳеч бир иккиланиш бўлмаса, унга бу нарсалар фарз эмас, деб ҳисоблайди аллома.

Ғаззолий ёзадики, инсон қабоҳат, риё, ҳасад каби ёмонликлардан ўзини сақлай олмаса, у нарсаларнинг илмини билиши лозим. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларига биноан бахилик, дунё ҳою ҳавасларига ориқча берилиш, такаббурлик каби хислатлар кўпчилик инсонлар табиатига хос бўлиб, бошқа ёмонликлар ҳам асосан шу уч сифатдан келиб чиқади. Шу сабабли уларни муолажа қилиш фарзи айнидир. Муолажа қилиш эса инсон қусурларининг чегаралари, сабаб ва аломатларини ўрганиш билан

бўлади. Зеро, ёмонликни билмаган киши, албатта, унга берилиши мумкин.

Китобда анчайин жузъий кўринган масалалардан ҳам баъзан жиддий хулосалар чиқарилади. Масалан, «Илм ўрганиш ҳар бир мусулмонга фарз-дир», деган ҳадисдаги «ал-илму» сўзи грамматик таҳлилдан ўтказилиб, ундаги аниқликни ифода этувчи артикли «алиф-лом»дан кўзланган мақсад фарз амал илмини ўрганиш эканлиги алоҳида таъкидланади [10;42 б.].

Маълумки, мусулмон жамоаси ичида бир гуруҳ мутахассислар мавжудлиги шарт бўлган илмлар фарзи кифоя илмлар ҳисобланади. Агар ушбу илмлардан бирортаси бўйича жамиятда мутахассис етишиб чиқмаган бўлса, бутун мусулмонлар катта гуноҳга қоладилар. Имом Ғаззолий бундай илмларни бир қанча турларга ажратиб таърифлайди.

Китобда давр анъанасига кўра илмлар, биринчи навбатда, шаръий ва ношаръий қисмларга бўлинади [10;42-45 б.]:

I. Шаръий илмларнинг барчаси маҳмуд (мақталган)дир. Шаръий илмлардан мақсад пайғамбарлардан ўрганилган, ҳисоб каби ақл билан билинмайдиган, тиббиёт каби тажриба билан ҳосил бўлмайдиган, тил каби эшитиш билан вужудга келмайдиган илмлар назарда тутилади. Маҳмуд бўлган шаръий илмлар қуйидагилардан иборат: 1. <u>Асослари:</u> А. Аллоҳ таолонинг китоби Б. Пайғамбаримиз (с.а.в.) суннатлари В. Умнатнинг ижмоси Г. Саҳобийлар асарлари 2. <u>Қўшимча илмлар:</u> А. Дунё ишларини тартибга солишга тааллуқли илмлар. Б. Охират ишларига тааллуқли илмлар. 3. <u>Муқаддимот (бошқа илмларни ўрганишда восита бўлган) илмлар:</u> Масалан, тил, наҳв (грамматика). Булар Қуръон ва ҳадис илмларини тушунишда бир воситадир. 4. <u>Тўлдирувчи илмлар:</u> А. Қироат илми. Б. Тафсир каби Қуръоннинг маъносига тааллуқли илмлар. В. Носих, мансукх, ому хос, насс (далил), зоҳир ва буларнинг бир-бири билан алоқасини ўрганиш каби Қуръон ҳукмларига тааллуқли бўлган илмлар. Бу илм усул ул-фиқҳ (фиқҳ асослари) деб номланади ва суннат ҳам унинг ичига киради.	II. Ношаръий илмлар: 1. Маҳмуд (мақталган): Маҳмуд илмлар дунё манфаатлари уларга боғлиқ бўлган илмлардир. (Ҳисоб-китоб, тиббиёт) 2. Мазмун (қораланган): Сеҳр, тилсимот, кўз боғлаш ва талбис (бир нарсани ҳақиқатидан бошқача қилиб кўрсатиш) кабилардир. 3. Мубоҳлар: Муболағасиз ёзилган шеърларни билиш, қадимги тарих билан шугулланиш ва шу кабилар.
---	---

Шунга эътибор қилиш керакки, бу ўринда «шаръий» ва «ношаръий» атамалари «маҳмуд», яъни мақталган ва «мазмум», яъни қораланган илмлар маъносини билдирмайди. Муаллиф буни алоҳида таъкидлаб, «шаръий илмлар» дан мақсад Аллоҳ таолонинг китоби, Пайғамбаримиз (с.а.в.) суннатлари, умматнинг ижмоси, саҳобийлар асарларига асосланувчи илмлар (яъни диний масалаларга оид нақлий билимлар) эканлигини тушунтириб ўтади. «Ношаръий» илмлар дейилганда эса ҳаёт учун зарур бўлган, ақл ва мантиқ ҳамда тажриба билан асосланадиган илмлар назарда тутилган.

Ушбу иккинчи гуруҳ илмларнинг ўзини Ғаззолий икки тоифага: маҳмуд ва мазмум илмларга ажратади. Улардан маҳмуд илмлар инсонларнинг дунёвий манфаатларига боғлиқ илмлар бўлиб, китобда уларга мисол сифатида ҳисоб-китоб ва тиббиёт илми келтирилади. Мазмум (қораланган) илмлар қаторида сеҳр-жоду, тилсимот, кўз боғлаш ва талбис (бир нарсани ҳақиқатидан бошқача қилиб кўрсатиш) каби бугунги кун Европа илмида ҳам ҳақиқий илмлар қаторига киритиш урф бўлмаган ғайримантикий қарашлар санаб ўтилган.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, Ғаззолий асарининг, номидан ҳам маълум бўлганидек, асосий мавзуси диний, муаллиф ибораси билан айтганда, мусулмон кишининг охиратини обод қилишга қаратилган билимлар ҳақида тўғри йўналиш беришдир. Аммо шунга қарамасдан китобдаги жуда кўп мулоҳазалар улуг алломанинг ҳаётга ёндашуви, дунёвий билимларга муносабати бугунги кун учун ҳам кўп жиҳатдан ибратли эканига гувоҳлик беради. Аслини олганда, бу ёндашувлар ислом динининг моҳиятида дунёвий масалаларга оқилона ёндашув мавжуд эканлигига далолатдир.

Масалан, биринчи бобнинг «Ақлий далиллар ҳақида» фаслида инсоннинг моддий ҳаёти учун зарур бўлган ишлар, касбу корлар ва саноатлар уч қисмга бўлиб қаралади: «1. Олам оёқда туриши учун керак бўлган асослар. Булар: еб-ичиш учун экин экиш; кийим-кечак учун тўқимачилик қилиш; яшаш учун бино-уй ҳозирлаш; одамлар ўртасида ўзаро ёрдам. 2. Буларнинг ҳар бирини юзага келтиришга кўмак берадиган омиллар. Масалан, деҳқончилик учун асбоб-ўскуна тайёрлаб берадиган темирчилик саноати ёки тўқимачилик учун зарур бўлган пахта тозалаш, ип йиғириш каби саноатлар. 3. Мазкур асосларни мукаммаллаштирувчи ва

зийнат берувчи ишлар. Бунга ун қилиш, пишириш, ювиб тозалаш ва тикишлар киради» [10;35 б.].

Бугунги кун талаблари билан қаралганда ушбу соҳаларнинг ҳар бири алоҳида илмга айланган ва ушбу китоб мантиғидан келиб чиққанда, айтиш мумкинки, улар ҳам фарзи кифоя даражасига кўтарилган. Яна бир мисол сифатида ижтимоий илмлар соҳасини олсак, Ғаззолий дунёвий ишлар соҳасида сиёсатни «кишилар орасида ислоҳ ва улфатни жорий қилувчи» энг улуг ва шарафли иш деб айтади. Унинг фикрича, «бошқа касбу саноатда талаб қилинмайдиган шарт – бошқара билиш маҳорати сиёсатда талаб қилинган. Шу сабабдан бошқалар сиёсат соҳибларига хизматда бўлади» [10; 36 б.].

Аллома сиёсат тушунчасига бирмунча кенг ёндашиб, уни тўрт даражага ажратади:

«Дунё ва охиратдаги нажот йўлини кўрсатувчи муршидлар аҳволини ислоҳ қилувчи сиёсат тўрт даражадан иборат:

1. Энг олий сиёсат. Бу пайғамбарлар сиёсати бўлиб, зоҳиру ботинда хосу омга қилган ҳукмларидир.

2. Халифалар, подшоҳлар ва бошқа ҳокимларнинг хосу омга юритган сиёсати. Бу фақат зоҳирга оид ҳукмлар бўлиб, ботинга тегишли эмас.

3. Аллоҳ таолони таниб, Унинг динини билган ва пайғамбарлар вориси бўлган олимларнинг сиёсати. Буларнинг ҳукмлари фақат хосларнинг ботинига доир бўлиб, омманинг фаҳми улардан истифода қилишга етмайди. Улар инсонларга ман қилиш, буюриш ва мажбурлаш сиёсатини юритмайдилар.

4. Воизлар сиёсати. Бу сиёсат авомнинг ботинини ислоҳ қилишда уларнинг ҳукмларидан иборат.

Бу тўрт нав ичида пайғамбарлик даражасидан кейин энг шарафли сиёсат инсонларни ҳалокатга элтувчи ёмон хулқлардан қайтариб, уларни саодатли гўзал ахлоққа йўл кўрсатувчи илм санъатидир» [10;36 б.].

Умуман алломанинг сиёсат фанига оид кузатувлари алоҳида диққатга сазовордир. Жумладан, китобда шундай қарашлар мавжуд:

«Султон ҳам Аллоҳ учун халқнинг ўртасида воситачилик қилади ва Аллоҳ ҳузурида мукофотланган, рози қилинган бўлади. У дин илмига кафил бўлгани учун эмас, балки ўз илми туфайли қилган амали билан Аллоҳ таолога яқинликни қасд этгани учун мукофотланади» [10;60 б.].

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиққанда бугунги кунда сиёсат илми соҳасида ҳам Ғаззолийнинг қа-

рашларини инобатга олиш нақадар муҳимлиги маълум бўлади.

Ғаззолийнинг фалсафага муносабати ҳам диққатга сазовор. Китобда ёзилишича, илмнинг бу соҳаси «...бутун бошли бир фан эмас, балки тўрт қисмдан иборатдир.

Биринчиси: Ҳандаса ва ҳисоб илми (геометрия ва математика). Бу иккаласи, аввал зикр этилганидек, ўрганиш мубоҳ бўлган илм. Уларни ўрганиш фақатгина умумий мазмун даражага ўтиб кетиши мумкин бўлган одамга ман қилинади. Бинобарин, бу икки илм билан шуғулланувчиларнинг кўпчилиги бидъат чегарасигача чиқиб кетишган. Баъзи одамларни бу илмларни ўрганишдан қайтариш уларнинг маҳзунлиги учун эмас, балки одамларнинг иродаси заифлигидандир. Бу ҳол сузишни билмайдиган боланинг анҳор бўйида туришидан ёки исломга янги кирган одамнинг куфрга кириб кетишидан қўрқиб, кофирларга аралашидан қайтарилганига ўхшайди.

Иккинчиси: Мантиқ илми. Бу илм далил ва унинг шартлари, ҳад ва унинг даражалари ҳақида баҳс юритади.

Учинчиси: Илоҳиёт илми. У Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг зоти ва сифатлари ҳақида баҳс юритувчи фандир. Бу фан калом илми саналади. Файласуфлар илоҳият фанидан айри бир илм яратиб, ажраб чиқишган. Балки айримлари кофир, айримлари бидъатчи бўлиб, маҳзабларга бўлиниб кетишган. Муътазила мустақил илм эмас, балки унинг аҳли мутакаллимлар, баҳслашувчилар ва мутаффакирлардан иборат тоифадир. Улар ҳам ботил мазҳабларга ажраб кетганлар. Файласуфлар ҳам худди шундай.

Тўртинчиси: Табиий фанлар. Булардан баъзилари шариат ва динга тескари келади. Улар илм эмас, балки жаҳолатдир. Яна баъзилари борлиқдаги жисмларнинг хусусиятини, қандай қилиб бошқа шаклга ўтишлари ва ўзгаришларини тадқиқ қилади. Бу нарса табибларнинг қарашига ўхшайди» [10;56-57 б.].

Бу илмлар ўша давр учун «мубоҳ» (яъни инсонлар ҳаёти учун ўта зарур бўлмаган, аммо зарарли ҳам ҳисобланмаган) илмлар бўлиб, аллома уларни ўрганишда фақат инсон ақли билан ечиб бўлмайдиган масалалар хусусида ортиқча баҳсу мунозара юритишнигина қоралаган. Табиий фан олимларининг борлиқдаги жисмларнинг хусусияти, қандай қилиб бошқа шаклга ўтишлари ва ўзгаришлари-

ни тадқиқ қилишини Ғаззолий табобат илмидаги инсон жисмини ўрганишга қиёс қилади. Маълум бўладигани, бир давр учун ўрганиш мубоҳ (яъни ихтиёрий) бўлган илм янги бир даврга келиб инсон эҳтиёжлари ва замон талаблари ўзгариши билан фарзи кифояга ва ҳатто муайян даражада, фарзи айнгга ҳам айланиши мумкин экан.

Китобда диний (шаръий) илмлар ҳам икки қисмга бўлиб қаралади:

А. Дунё ишларини тартибга солишга тааллуқли илмлар.

Б. Охират ишларига тааллуқли илмлар» [10;44 б.].

Жумладан, фикҳ илми «дунё илми» деб аталиб, фақиҳлар дунё олимлари сирасидан саналади. Бугунги кунда бу қараш бизга ғайритабиий кўриниши мумкин. Аслида ўша даврларда ҳам алломанинг бу қарашларини барча тўғри қабул қилаверган эмас. Аммо Ғаззолий ўз нуқтаи назарини батафсил далиллаб бера олган. Масалан, у шундай ёзади: «Фақиҳ намоз ўқувчи киши намознинг бошидан охиригача ғофил бўлиб, ҳаёлда бозордаги тижорати, ҳисоб-китоби билан машғул бўлса-да, намознинг зоҳирий шартларини бажарса, намозини дуруст санайди. Ваҳоланки, бу намоздан охиратда фойда йўқ» [10;48 б.].

Бунинг сабаби фикҳ зоҳирий илм бўлиб, охиратда фойда беришига сабаб бўлувчи амаллар билан шуғулланмайди. «Қалб иши фақиҳнинг тасарруфидан ташқаридадир», дейди аллома [10;53 б.].

Ғаззолийнинг гувоҳлигига кўра, ҳақиқий фикҳ олимлари илмлари билан фақат Аллоҳ таолонинг розилигини мақсад қилганлар.

Бундай ибратга лойиқ фақиҳларга мисол қилиб китобда исломдаги буюк мазҳаббошилар – Имоми Аъзам (Абу Ҳанифа (р.а.), Имом Шофеъий (р.а.), Имом Молик (р.а.), Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (р.а.) ва Суфён Саврий (р.а.)лар келтирилади. «Уларнинг ҳар бири обид, зоҳид, охират илмининг олими, халқнинг дунёсини ислоҳ қилувчи фақиҳ, илми билан Аллоҳ таолонинг розилигини истаган зотлар бўлишган», деб таъкидлайди муаллиф ва ўз сўзининг исботи учун улар ҳаётидан ибратли далиллар келтиради [10;61 б.].

Масалан, Имом Шофеъий ҳақида шундай ривоят келтирилади: «У кишининг обидликларига далолат шуки, кечани уч қисмга бўлиб, бир қисмида илм билан машғул бўлганлар, бир қисмида иб-

дат қилганлар ва бир қисмида ухлаганлар». Бу улуғ зот айтган эканлар: «Одамлар ушбу фикҳ илмидан фойдаланишларини, аммо ундан бирор нарса ни менга нисбат бермасликларини хоҳлар эдим» [10;62, 67 б.]

Ғаззолий буюк фақиҳларнинг беш хислатини санаб ўтади: «Уларнинг ҳар бири обид, зоҳид, охират илмининг олими, халқнинг дунёсини ислоҳ қилувчи фақиҳ, илми билан Аллоҳ таолонинг розилигини истаган зотлар бўлишган». Сўнг афсус билан қайд этади: «Замонамиз фақиҳлари мана шу беш хислатдан фақат биттасигагина эргашдилар. У ҳам бўлса, фикҳнинг фаръий масалаларига чуқур кириш ва муболаға қилишдир» [10;61 б.].

Ғаззолий калом илми тўғрисида ҳам тўхталиб, унинг пайдо бўлишини бидъатчиларнинг чиқиши билан боғлиқ, деб ҳисоблайди.

Китобда «бидъатчи ўзининг ботил даъволарини тарк қилса, саҳобалар давридаги илмлар кифоя қилиб, калом илмини ўрганишга эҳтиёж туғилмасди», деган фикр билдирилади ва мутакаллимларнинг диндаги даражаси ҳам ҳаж йўлидаги қўриқчиларга ўхшатилади.

«Мутакаллимнинг диндаги улуши фақат ақида бўлиб, унга авом халқ ҳам шерикчилик қилади. Бу (яъни, ақида) қалб ва тилнинг зоҳирий амалларидан иборатдир. Мутакаллим авом халқдаги соғлом ақидани қўриқлаши ва мужодала қилиши билан ажралиб туради. Аллоҳ таолони Унинг сифатлари ва афъолларини таниш ва мукошафа илмидаги биз ишора қилган нарсалар калом илмининг барча жиҳатларини ўрганишдан ҳосил бўлмайди. (Ҳатто калом илми буларни ўрганишдан тўсиб, монелик қилиши ҳам мумкин.) Албатта, ундай маърифатга Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳидоятга дебоҳа қилиб қўйган мужоҳада (нафсга қарши курашиш) билан етилади. Шунинг учун Аллоҳ таоло: «Бизнинг (йўлимиз)да жиҳод қилган-курашган зотларни, албатта, Ўз йўлларимизга ҳидоят қилурмиз. Аниққи, Аллоҳ чиройли амал қилгувчи зотлар билан биргадир», деган (Анкабут, 69-оят). [10;57-58 б.]

Имом Ғаззолий ҳақиқий дин илми деганда Аллоҳ таолони таниш илмини тушунади ва уни «охират йўлининг илми» деб атади. Китобда ёзилишича, бу илм икки қисмга – мукошафа ва муомала илмларига бўлинади. Улардан биринчиси – мукошафа илми ботиний илм бўлиб, алломанинг фикрига кўра, у китобларда битиладиган илм эмас, балки

«мазмун сифатлардан пок қалбда зоҳир бўладиган нур»дир. Мана шу пок нур туфайли инсон Аллоҳнинг зоти ва сифатларини, дунё ва охират ҳикматларини, кўнгил сирларини англаб етади.

Ҳозирда илмнинг талаблари ҳар бир ҳодисани талқин этишда тарихийлик тамойилини назардан қочирмасликни, ҳар доим айтилган ҳар бир мулоҳазани замон ва макон чегарасида олиб қарашни тақозо қилади. Масалан, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га VII асрда 23 йил давомида нозил қилинган Қуръони карим оятлари ўз даврида саҳобаи киромлар томонидан қандай талқин қилинган бўлса, орадан 4 аср ўтиб, XII аср бошларида Имом Ғаззолийнинг сўнгги асарларидаги талқинлар яна ўз даврига мувофиқдир. Агар VIII–IX асрлар Сунна босқичига тўғри келса, X–XI асрлар Мусулмон маърифатчилиги босқичи минтақада илм-фаннинг гуллаб-яшнаган даври бўлди [5;126-164 б.].

Ғаззолийнинг ёндашувида аввало шу ҳодисаларнинг таъсири сезилади. Бундан ташқари XI аср охирлари – XII аср бошларидан минтақада тасаввуф тариқатларининг мавқеи кучая бошлаган бўлиб, аллома бу ўзгаришларга ҳам ўз муносабатини билдиради. Унинг фикҳ илмини таърифлашида бу нарса, айниқса, ёрқин намоён бўлган [5;165-168 б.].

Алломанинг «Ихёу улум ад-дин» асари ўзининг эътирофига кўра, «муомала илми»га оид бўлиб, бу китоб тўлиғича ушбу мавзуга бағишланганлиги маълум. Бу илм «қалб ҳолатларини ўрганади». Яъни сабр, шукр, хавф ва рижо, тақво, қаноат, саховат, инсонлар ҳақида яхши фикрда бўлиш, гўзал хулқ эгаси бўлиш, ростгўйлик, ихлос каби инсон қалбини покловчи хислатларни касб этиш, ҳасад, алдов, мансабпарастлик, адоват, тама, риё, макр, енгилтаклик каби қалбни қорайтирувчи сифатлардан фориғ бўлишнинг йўллари тадқиқ этишга қаратилган. Маълум бўладики, Ғаззолий ўз асарига бугун «ислом маънавияти» деб номланаётган соҳани жиддий илм мавзуси қилиб танлаган экан.

Имом Ғаззолийнинг мазкур асари бугунги илмушунослик, таълим ва тарбия соҳасида, хусусан, диний билимларни ўрганиш жараёнининг қатор муаммоларини ҳал этишда катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, бевосита бизнинг мавзуимиз, яъни исломда илм ва имон нисбатининг қўйилиши ва ҳал қилинишида умумназарий асос даражасида олиб қарашга лойиқ.

Алломанинг юқорида келтирган мулоҳазаларини умумлаштириб қаралганда шу нарса равшан-

лашадики, илм ва имон категорияларини бир-бирига зид деб билиш мутлақо хато йўлдир. Аслида ҳар бир инсон ва бутун инсоният учун тўғри йўл илм ва имон уйғунлигини кўздан қочирмаслик бўлиб, фақат улар уйғунлигига риоя қилиш орқали ҳақиқий баркамолликка эришиш мумкин.

Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар асосида шаклланган ислом маданияти анъаналарида илм ва имон муносабатлари доимо улуғ аждодларимизнинг диққат марказида бўлди ва асрлар оша бутун қирралари билан намоён бўлиб борди. Бу муаммонинг бугунги кунда ўта долзарблашуви яна тарихга мурожаат қилиб, ҳар бир даврнинг ўзига хос талқинларини мукаммал ўрганишни тақозо этади.

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mansurov A. Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri. – T.: Toshkent islom universiteti nashriyot-matbaa birlashmasi, 2017.
2. Mets A. Musulmanskij Renessans (Die Renaissance des Islams). Heidelberg, - rus. perevod. - M.: Izdatelstvo «Nauka». Glavnaya redaktsiya vostochnoy literaturi. 1966.
3. Fon Gryunebaum G.E. Klassicheskiy islam. (600-1258) (Classical islam. A History 600-1258. London, 1970) - rus.perevod. - M.: "Nauka", 1988.
4. Baxodirov R.M. Iz istorii klassifikatsii nauk na srednevekovom musulmanskom Vostoke. - T.: «Akademiya», 2000.
5. Imomnazarov M.S. Milliy ma'naviyatimiz asoslari. - T.: TIU, 2001.
6. Byukay Moris. Bibliya, Koran i nauka. (Ilk fransuz tilidagi nashri – Parij), Religiovedenie, 2008.
7. Islam. Istoriograficheskie ocherki. - M.: "Nauka", 1991.
8. Rouzentel Frants. Torjestvo znaniya. Kontseptsiya znaniya v sredne-vekovom islame. - M.: Glavnaya redaktsiya vostochnoy literaturi izdatelstva «Nauka», 1978.
9. Frolova E.A. Problemi` veri` i znaniya v arabskoy filosofii. – M.: Glavnaya redaktsiya vostochnoy literaturi` izdatelstva «Nauka», 1983.
10. Al-Gazzoliy Imom Abu Homid. «Ihyou ulum id-din». («Din ilmlarini jonlantirish»). 1-kitob. Ilm kitobi. - T.: «Movarounnahr», 2003.
11. J.D. Bernal. The Social Function of Science. London, 1939.
12. «Nauka o nauke». Sbornik statey.(Per. s angl.). - M.: «Progress», 1966.
13. Dobrov G.M. Aktualni` e problemi` naukovedeniya. - M.: «Znanie», 1968.
14. Volkov G.I. Sotsiologiya nauki. - M.: «Politizdat», 1968.
15. Vvedenie (fragmenti`). Izbranni` e proizvedeniya mi` sliteley Stran Blijnego i Srednego Vostoka. - M.: 1961.
16. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 4-jild.- T.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2001.
17. Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. - T.: «O'zbekiston». 2001.
18. Timoti J. XXI asrda islom (postmodern dunyoda qiblani topish). - T.: "Sharq" NMAK, 2005.
19. Zarrinkub A.X. Islamskaya sivilizatsiya. Velikie otkritiya i dostijeniya chelovechestva - SPB.: "Izdatelstvo "Dilya", 2011.
20. Blum D., Bler Sh. Islam. Tisyacha let veri i moguhestva. / Per. s angl. - SPB.: "Izdatelstvo "Dilya", 2010.

